

Енглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар



04:05 / 05.08.2025 1267

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа ва Умму Сулаймлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни овқатга таклиф этишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан яна ўн киши бирга келишига изн сўрадилар. Икковлари ўша ўн кишига ҳам изн беришди. Расулуллоҳ ушбу ўн киши овқат тановул қилгани киришганда **«Енглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар»**, дедилар. Улар овқатдан ейишди. Бундан ташқари яна саксон киши ҳам тановул қилди. Бу Расулуллоҳнинг зоҳирий мўъжизаларидан бири эди.

Имом Муслим ривояти.

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.